

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУДАЙКУЛОВ ФЕРУЗБЕК ХУРРАМОВИЧ**

**ҚИЛМИШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДА ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИВ  
ТОМОНИ ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИНИНГ ЖИНОЯТ-ХУҚУҚИЙ  
ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи.  
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Худайкулов Ферузбек Хуррамович**

Қилмишни квалификация қилишда жиноят объектив томони факультатив белгиларининг жиноят-ҳуқуқий жихатлари.....3

**Худайкулов Ферузбек Хуррамович**

Уголовно-правовые аспекты факультативных признаков объективной стороны преступления при квалификации деяния.....25

**Khudaykulov Feruzbek Khurramovich**

Criminal-legal aspects of facultative signs of the crime's objective side in qualification of criminal acts.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУДАЙКУЛОВ ФЕРУЗБЕК ХУРРАМОВИЧ**

**ҚИЛМИШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДА ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИВ  
ТОМОНИ ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИНИНГ ЖИНОЯТ-ХУҚУҚИЙ  
ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи.  
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Yu208 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash](http://www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash)) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталига ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Абдурасулова Қумринисо Раимқуловна</b> юридик фанлар доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Тахиров Фарход Тахирович</b> юридик фанлар доктори, профессор <b>Хасанов Темур Холмаматович</b> юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «29» декабрь куни соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.:(99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (943-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил «16» декабрь куни тарқатилди.

(2020 йил «16» декабрдаги «9» рақамли реестр баённомаси).

**У.А.Тухташева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

**Д.Г.Камалова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Н.С.Салаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор.

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда жиноятчиликка қарши курашиш глобал аҳамият касб этмоқда, зотан, статистик маълумотларга кўра дунёда оғир жиноятлар, хусусан ҳар йили қасддан одам ўлдиришнинг 50% дан ортиғи жиноят объектив томони факультатив белгиси бўлган ўқотар қуроллар билан содир этилмоқда. Шунингдек, жиноят объектив томони факультатив белгиларидан бири бўлган ўқотар қуроллар билан қасддан одам ўлдириш ҳар йили 2-3% га ўсмоқда<sup>1</sup>. БМТ экспертлари фикрига кўра, сўнгги йилларда жиноятлар натижасида ўлганлар сони, қуролли ҳарбий тўқнашувлар оқибатида ҳалок бўлганлардан беш баравар ортиқдир<sup>2</sup>. Халқаро ҳужжатларда жиноят учун жавобгарликни қонунда тўғри ифодалаш, қонунни қўллаш амалиётини имкон қадар қулайлаштириш мақсадида қонунчиликни қайта кўриб чиқишга эътибор қаратилмоқда<sup>3</sup>. Юқоридагилар жиноят қонунчилигини такомиллаштириш, ЖК нормаларини тўғри қўллаш, жиноятларни тўғри квалификация қилиш ва адолатли жазо тайинланишини таъминлаш устувор вазифалар эканлигини кўрсатади.

Жаҳонда жиноятчиликнинг олдини олиш самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналиши сифатида жиноятчиликка қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш; жиноят қонуни нормаларини қўллаш; қилмишни квалификация қилишга оид янги самарали қоидаларни ишлаб чиқиш; жиноят таркибига оид илмий-назарий қарашларни ўрганиш, жиноят таркиби объектив томонининг зарурий ва факультатив белгиларини таснифлаш; жиноят содир қилиш жойи, вақти, усули, ҳолати, қуроли ва воситасининг зарурий ва жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификациявий) белги сифатида қилмишни квалификация қилишдаги аҳамияти; жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни қўллаш амалиётини яхшилаш; жиноятларни декриминаллаштириш ва жиноят қонунчилиги ва суд-тергов амалиётини либераллаштиришнинг илмий ва амалий ечимини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда жиноят қонунчилигини ислоҳ қилиш, жиноят-ҳуқуқий нормаларни қўллаш амалиётини яхшилаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари фаолиятида одиллик, инсонпарварлик тамойилларини кучайтиришга катта эътибор қаратилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиний қилмишларни декриминаллаштириш, жиний жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш»<sup>4</sup> мамлакат жиноят қонунчилигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланганлиги, ушбу соҳани тадқиқ этиш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

<sup>1</sup> <https://www.unodc.org/> UNODC, Global Study on Firearms Trafficking, 2020 (United Nations publication, Sales No. E.20.IV.1).

<sup>2</sup> <https://news.un.org/ru/story/2019/07/1358921>

<sup>3</sup> <https://www.unodc.org>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.; 70-модда.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (1994), «Қурол тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (2019), «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2016) Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017) «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018) қарорлари ва ушбу соҳадаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишига муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз олимлари – Қ.Р.Абдурасулова, М.Ҳ.Рустамбаев, М.Усмоналиев, Н.С.Салаев, А.С.Якубов, Р.Кабулов, А.А.Отажонов, Ф.Тахиров, С.С.Найимов, С.С.Ниёзова, П.Бакунов, А.К.Иркаходжаев, У.Ш.Холикулов томонидан тайёрланган илмий ишлар, ўқув қўлланмалар ва дарсликларда жиноят объектив томони факультатив белгиларининг айрим жиҳатлари тадқиқ қилинган.

МДҲга аъзо давлатлар олимлари – Л.Л.Кругликов, И.Ш.Жордания, Н.И.Панов, В.И.Гуров, А.Наумов, К.Акаев, А.М.Бойцов, Ф.Михайлов, С.И.Улезько, М.В.Шкеле, А.А.Подубный, А.И.Бойка, А.П.Козлов, В.Б.Малинин, А.Ф.Парфенов ва бошқалар жиноят объектив томони факультатив белгилари алоҳида турларини тадқиқ қилишган. А.Н.Трайнин, Г.В.Тимейко, И.Реннеберг, В.Н.Кудрявцев ва бошқаларнинг мавзуга оид ишларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Benjamin N.Cardozo, Julia Grace Rahe (АҚШ), Sally Ramage (Буюк Британия), Н.-Н. Jescheck (Германия) ва бошқалар<sup>5</sup> томонидан жиноят объектив томони факультатив белгиларининг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган.

Юқорида номлари қайд этилган олимларнинг ишлари жиноят объектив томони факультатив белгиларининг назарий асосларига бағишланган бўлиб, уларнинг қилмишни квалификация қилишдаги жиноят-ҳуқуқий аҳамияти қисман ўрганилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва «Жиноят кодексини такомиллаштириш ва уни қўллаш амалиёти муаммолари», «Глобаллашув

---

<sup>5</sup> Ушбу олимлар асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

шароитида жиноятчиликка қарши курашишни такомиллаштириш муаммолари» илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** жиноят объектив томони факультатив белгиларининг қилмишни квалификация қилишдаги жиноят-ҳуқуқий аҳамиятини жиноят ҳуқуқи ва жиноятларни квалификация қилишнинг илмий асослари нуктаи назаридан комплекс ўрганиш, жиноят объектив томони факультатив белгиларига асосан жиноятларни тўғри квалификация қилишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жиноят объектив томони тушунчаси, унинг ҳуқуқий белгиларини илмий-назарий таҳлил қилиш;

жиноят объектив томони факультатив белгилари турларини ва уларнинг таркиби (тузилиши)ни ўрганиш;

қилмишни квалификация қилишда жиноят объектив томони факультатив белгиларининг бир-бири билан ўзаро муносабатининг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилиш;

жиноят объектив томони факультатив белгиларини қиёсий таҳлил қилиб, улар билан боғлиқ амалиётдаги муаммоларнинг ечимлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

жиноят объектив томони факультатив белгиларининг қилмишни квалификация қилишдаги жиноят-ҳуқуқий аҳамиятини таҳлил қилиш;

жиноят объектив томони факультатив белгиларининг жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) белги сифатидаги аҳамиятини ўрганиш;

қилмишни квалификация қилишда жиноят объектив томони факультатив белгиларинининг нормалар рақобати мавжуд бўлганида қўлланишига оид қоидаларни таҳлил қилиш ва уларни қўллаш амалиётини яхшилашга оид таклифларни ишлаб чиқиш;

амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан таклиф ва тавсиялар тайёрлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** жиноят объектив томони факультатив белгиларига кўра қилмишни квалификация қилиш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** жиноят объектив томони факультатив белгилари қилмишни квалификация қилишнинг зарурий ва жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) ҳолат сифатида назарда тутилган миллий ва айрим хорижий давлатлар жиноят қонуни нормалари, мазкур нормаларни қўллаш амалиёти, қилмишни тўғри квалификация қилишга оид назарий-ҳуқуқий қарашлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишини ёзишда мантиқийлик, тизимлилик, тарихий, мантиқий-юримдик, қиёсий-ҳуқуқий, жиноят ишлари ва статистик маълумотлар таҳлили, социологик сўровлар ўтказиш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

телекоммуникация тармоғидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун жавобгарлик белгиланган ЖК 278<sup>7</sup>-моддаси 2-қисмини «хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этиш» шаклидаги жавобгарликни оғирлаштирувчи белги билан тўлдириш ҳақидаги таклиф асослантирилган;

жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш учун жавобгарлик белгиланган ЖК 241<sup>1</sup>-моддаси 2-қисмини «оғир оқибатларга сабаб бўлса» шаклидаги жавобгарликни оғирлаштирувчи белги билан тўлдириш ҳақидаги таклиф асослантирилган;

ЖК 244<sup>4</sup> ва 248<sup>1</sup>-моддалари 2 ва 3-қисмларини «баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса», «одам ўлишига сабаб бўлса» шаклидаги жавобгарликни оғирлаштирувчи белги билан тўлдириш ҳақидаги таклиф асослантирилган;

белгиланган тақиқлар (чекловлар)ни бузган ҳолда биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун жавобгарлик белгиланган ЖК 229<sup>3</sup>-моддаси 2-қисмини «ушбу жиноятни давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг қўриқланадиган теграларида, алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларда, шу жумладан ўзининг тарихий-маданий қимматига кўра Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудларда ва уларнинг қўриқланадиган теграларида содир этилиши» шаклидаги жавобгарликни оғирлаштирувчи белги билан тўлдириш ҳақидаги таклиф асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқилган;

жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгиси фақат ижтимоий хавфли қилмиш; факультатив белгиси жиноят содир этиш вақти, жойи, усули, ҳолати (вазияти), қуроли ва воситаси, ижтимоий хавфли оқибат ҳамда сабабий боғланишдир, деган хулосага келинган;

жиноят содир қилиш жойи, вақти, усули, ҳолати, қуроли ва воситасига муаллифлик таърифи берилган;

онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдиришида жиноят содир этиш вақти билан бирга жиноят содир этиш ҳолати (вазияти) ҳам инобатга олиниши лозим деган таклиф берилган;

айрим хорижий давлатлар тажрибаси ва қонунни қўллаш амалиётини чуқур ўрганиш асосида номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш жиноятида қўрқитишнинг айнан зўрлик ишлатиб содир этилиши ва ЖК 118, 119-моддаларини «ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб баданга оғир шикаст етказган ҳолда» ва «ўта шафқатсизлик билан содир этилган бўлса» деган бандлар билан тўлдириш таклифи берилган;

вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш ЖК 127-моддаси 3-қисмини «вояга етмаган шахсни ваъда бериш, алдаш, қўрқитиш ёки бошқа усуллар билан жиноят қилишга жалб этиш» шаклидаги



жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатни киритиш зарурати асослантилган;

транспорт воситасига ғайриқонуний равишда кириб ўғрилиқ содир этилишини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ЖК 169-моддаси 2-қисмига киритиш таклиф қилинган;

жиноят қонунчилиги нормаларини унификация қилиш мақсадида «кўпчилик учун хавфли усул» иборасини жиноят қонунида назарда тутилган барча ҳолатларга нисбатан бир хилда ишлатиш зарурати асослантилган;

«бошқа жой» атамасини ўзгалар мулкани талон-торож қилишда назарда тутилган «бошқа бино», «бошқа хона» каби айрим оғирлаштирувчи ҳолатларига нисбатан бир хилда ишлатиш таклифи берилган;

жазони оғирлаштирувчи ҳолатларга «қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб; қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, портлаш ёки уларга ўхшатиб ясалган мосламалардан фойдаланган ҳолда; жиноят ҳокимият вакилининг хизмат кийими ёки ҳужжатидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса», деган бандлар билан тўлдириш таклифи берилган;

шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш учун жавобгарлик белгиланган ЖК 141<sup>2</sup>-моддаси 2-қисмини «хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса» ва «оғир оқибатларга сабаб бўлса» шаклидаги жавобгарликни оғирлаштирувчи бандлар билан тўлдиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «Ўзганинг мулкани ўғрилиқ, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорига «Қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб содир қилинган босқинчилик деганда, ижтимоий хавфли ҳаракатни бошламасдан олдин махсус тайёрлаб қўйилган, инсоннинг ҳаёти ёки соғлиғига хавфли бўлган тан жароҳати етказиш ва уни қасдан ўлдириш учун мўлжалланган, қурол сифатида фойдаланиш мақсадида махсус мослаштирилган зарб бериб-парчаловчи ёки улоқтирувчи таъсирга эга ашёлар тушунилади. Масалан, занжир, қирқилган труба, ошхона пичоғи ёки бошқа пичоқлар, бритва, болта, лом, белкурак, ғишт, тош, трос, арматура ва ҳ.к.лар ҳам қурол сифатида ишлатилиши мумкин» ва «Бошқа жой деганда, кишиларнинг вақтинча бўлиши ёки ишлаб чиқариш ёхуд бошқа хизмат мақсадларида моддий бойликларни жойлаштиришга мўлжалланган мулкчилик шаклидан қатъи назар, бино ва иншоотлар назарда тутилади» деган тушунтиришларни киритиш асосланган;

жиноят қонунчилигини такомиллаштириш, жиноят объектив томони факультатив белгиларига оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни тўғри қўллаш ва жиноятларни тўғри квалификация қилишга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижалари қонунчилик нормалари, айрим хорижий давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, жиноят ҳуқуқи назариясида умумэътироф этилган

қоидалар ва бошқа ишончли манбалар, етарли илмий далиллар асосида исботланган.

Жиноят объектив томони факультатив белгилари бўйича қилмишни квалификация қилиш масалалари юзасидан 300 нафарга яқин суриштирувчи, терговчи, адвокат, судья ва ҳуқуқшунослар (изланувчи ва олимлар) орасида сўровлар ўтказилган; тадқиқ этилаётган мавзу билан боғлиқ жиноятларга доир 200 та ҳукм ўрганилган; статистик маълумотлар таҳлил қилиниб, умумлаштирилган ва тегишли тартибда расмийлаштирилган.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгусида илмий фаолиятда, амалдаги жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, суд-тергов органлари фаолиятида, шунингдек, жиноят ҳуқуқи, жиноятларни квалификация қилиш, маъмурий жавобгарлик каби фанларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, келажакда жиноят объектив томони факультатив белгиларини ўрганиш, объектив белгиларига кўра жиноятларни квалификация қилиш, жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш учун асос бўлади. Тадқиқот натижаларидан жиноят қонунини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларини ишлаб чиқиш амалиётида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қилмишни квалификация қилишда жиноят объектив томони факультатив белгиларининг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этиш натижалари асосида:

телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун жавобгарлик белгиланган ЖК 278<sup>7</sup>-моддаси 2-қисмини «хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этиш» шаклидаги жавобгарликни оғирлаштирувчи белги билан тўлдириш ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 октябрдаги ЎРҚ–503-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддаси 1-қисмининг йигирма учинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2019 йил 31 октябрдаги 04/1-6-1/114-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши суд амалиётида хизмат мавқеидан фойдаланиб телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш билан боғлиқ қилмишга тўғри ҳуқуқий баҳо беришга, адолатли жазо тайинланишига хизмат қилган;

жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш учун жавобгарлик белгиланган ЖК 241<sup>1</sup>-моддаси 2-қисмини «оғир оқибатларга сабаб бўлса» оғирлаштирувчи оқибат билан тўлдиришга доир тақлифдан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 майдаги ЎРҚ–534-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунининг 1-моддаси биринчи қисмининг биринчи ва иккинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 31.10.2019 йилдаги 04/1-6-1/114-сон маълумотномаси). Мазкур тақлифнинг қабул қилиниши қонунга ҳилоф равишда жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яширишни олдини олиш ва айбдор қилмишини оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этганлик учун жавобгарлик белгиланганга хизмат қилган;

учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга ҳилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш учун жавобгарлик белгиланган ЖК 244<sup>4</sup>-моддаси 2 ҳамда 3-қисмлари; учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш учун жавобгарлик белгиланган ЖК 248<sup>1</sup>-моддаси 2 ва 3-қисмларини оғирлаштирувчи оқибатлар билан тўлдиришга доир тақлифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 майдаги ЎРҚ–534-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунининг 1-моддаси биринчи қисмининг биринчи ва иккинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2019 йил 31 октябрдаги 04/1-6-1/114-сон маълумотномаси). Ушбу тақлифлар қайд этилган жиноятларни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этганлик учун жавобгарлик белгиланганга ва қилмишни тўғри квалификациясига хизмат қилган;

белгиланган тақиқларни (чекловларни) бузган ҳолда биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун жавобгарлик белгиланган ЖК 229<sup>3</sup>-моддаси 2-қисмини «ушбу жиноятни давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг қўриқланадиган теграларида, алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларда, шу жумладан ўзининг тарихий-маданий қимматига кўра Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудларда ва уларнинг қўриқланадиган теграларида содир этилиши» деган оғирлаштирувчи ҳолатларнинг киритилишига оид тақлифдан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 августдаги ЎРҚ–560-сонли «Моддий маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг 2019 йил 31 октябрдаги 04/1-6-1/114-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф қайд этилган жиноятни айбдор томонидан алоҳида жойларда содир этилишини тўғри квалификация қилиниши ва ўша қилмишга адолатли жазо тайинланишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманда, жумладан 5 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 8 та мақола (шулардан 2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Тадқиқот ишининг **кириши** (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Жиноят таркиби объектив томонининг жиноятни квалификация қилишдаги аҳамияти**» номли биринчи бобида жиноят таркиби ва жиноят объектив томонининг тушунчаси, жиноят таркиби объектив томони белгилари ва уларнинг қилмишни квалификация қилишдаги аҳамияти ёритилиб, жиноят таркиби белгиларининг ишлаб чиқилиши тарихи, ижтимоий хавфли қилмишнинг жиноят сифатида тақиқланишига доир назарий-ҳуқуқий қарашлар ўрганилган, баъзи хорижий олимларнинг фикрлари жиноят қонуни нормалари асосида қиёсий таҳлил қилинган. Диссертант жиноят таркибининг турли таснифларини келтириб, бундан ташқари конкрет, фактик ва умумий жиноят таркиби тушунчаларни таҳлил қилиб, уларнинг аҳамиятини кўрсатган.

Муаллиф ушбу бобда жиноят таркиби қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун юридик асос ҳисобланишини таъкидлаб, содир этилган қилмишга жиноят-ҳуқуқий баҳо бериш, яъни уни тўғри квалификация қилишнинг ягона юридик асоси жиноят таркиби ҳисобланишини, айнан жиноят таркиби белгилари ва элементларини тўғри таҳлил қилиш ва уларни содир қилинган қилмиш

белгиларига солиштириш қилмишга тўғри жиноят-ҳуқуқий баҳо берилишига хизмат қилишини асослаган.

Тадқиқот ишида М.Ҳ.Рустамбаев, М.Усмоналиев, Н.С.Салаев, А.С.Якубов, Р.Кабулов, А.А.Отажонов, Ф.Тахиров, П.Бакунов, У.Ш.Холикулов, А.М.Бойцов, Ф.Михайлов, С.И.Улезько, М.В.Шкеле, А.А.Подубный, А.И.Бойко, А.П.Козлов, В.Б.Малинин, А.Ф.Парфенов ва бошқа олимларнинг фикрлари ўрганилиб, тадқиқ этилаётган мавзу бўйича ягона ёндашувнинг йўқлиги жиноят объектив томонининг аниқ илмий ва ҳуқуқий таъриф берилмаганлиги, унинг ҳуқуқий мақоми жиноят-ҳуқуқий сиёсат доирасида комплекс, тизимли ўрганилмаганлиги, қилмишнинг квалификациясига оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни қўллаш жиноят ҳуқуқининг қатор институтлари билан узвий боғлиқ эканлиги асосланган.

Шунингдек, муаллиф айрим тадқиқотчиларнинг жиноят таркиби объектив томони тушунчасига оид қарашлари билан илмий мунозарага киришиб, жиноят объектив томони – аниқ конкрет жой, вақт ва ҳолатлар, шароитларида муайян усулда, баъзан қурол ёки бошқа воситалардан фойдаланиб содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)нинг ташқи томонини ўзида ифодалайди, деган фикрни илгари сурган. Айни чоғда, жиноят таркибига оид илк қарашлар рим ҳуқуқида *corpus delicti* сифатида илгари сурилганлиги ва бу қоида ҳозирги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмаганлигини қайд этган.

Тадқиқотчи ушбу бобда жиноят таркиби – жиноятнинг тузилиши, деган фикрга қўшилган ҳолда, олиб борилган тадқиқотлардан иккита хулоса келиб чиқишини қайд этган: 1) жиноят таркиби шунчаки техник атама бўлиб, жиноят категориясидан алоҳида мустақил моҳиятга эга эмас; 2) жиноят таркиби ортиқча назарий категория бўлиб, унинг мавжудлиги алдамчи, шартли ва умуман олганда, номақбул, чунки у тушунарсиз илмий абстракция сифатида назарияда қўлланиши лозим. Унинг фикрича, ушбу хулосаларнинг ҳар иккиси ҳам тўғри эмас. Жиноят таркибини илмий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган категориялар тузилишидан чиқариш имконсиз, боиси ушбу институт жиноятнинг моҳияти (аниқроғи, унинг ижтимоий шакли)ни ва жиноят таркиби (қилмишнинг объектив ва субъектив белгилари)ни тўғри тушуниш ва таҳлил қилиш имконини беради, энг асосийси жиноятни квалификация қилиш учун асос яратади. Жиноий қилмишнинг квалификацияси назарий эмас, балки амалий мазмун касб этгани туфайли, назарий ҳодисани эмас, балки жиноят қонуни тегишли моддаси диспозициясида тўғридан-тўғри кўрсатилган жиноятнинг ўзига хос тузилишини аниқлашга хизмат қилади.

Муаллиф, илмий-назарий жиҳатдан **жиноят таркиби суд-тергов органларига шахс содир этган у ёки бу қилмишни жиноят деб топилиши мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш имконини берадиган жиноят-ҳуқуқий категориядир**, «жиноят таркиби»нинг аниқ белгиланиши қилмишнинг тўғри квалификациясига хизмат қилади, дейди.

Диссертант ушбу бобда жиноят таркиби объектив томони факультатив белгиларини таҳлил қилиб, қўшимча равишда жиноят таркиби элементларини

қуйидагича тавсифлайди: а) объект учун – қўшимча объект, жиноят предмети; б) объектив томони учун – жиноят содир қилиш жойи, вақти, усули, ҳолати, қуроли ва воситаси; в) субъектив томон учун – мотив, мақсад, эмоция (рухий ички кечинма); г) субъект учун – махсус субъект.

Муаллиф барча жиноят-ҳуқуқий қарорлар жиноят таркиби объектив томони ва унинг белгиларини конкрет жиноят таркиби доирасида тўғри англаш ва белгилашга асосланган, деган фикрни илгари суриб, ўз фикрини қуйидагилар билан асослантиради:

1) объектив томон белгилари жиноий жавобгарликнинг асоси бўлиб, унинг асосида ЖК Махсус қисми нормаларининг диспозициялари шакллантирилади;

2) муайян ҳолатда объектив томон зарурий белгиларининг мавжуд эмаслиги, жиноят таркибининг ҳам мавжуд эмаслигини англатади;

3) бирор жиноят таркиби объектив томони белгиларини аниқлаш жиноятни квалификация қилишнинг дастлабки босқичи ҳисобланади (масалан, ўқдан жароҳат олган жасадни топиш);

4) жиноят таркиби объектив томони белгиларига таяниб, жиноят таркибининг бошқа элементлари ва белгилари аниқланади. Масалан, кесилган жароҳатларнинг мавжудлиги жиноятнинг қасддан содир этилганлигини; мулкнинг йўқолиши эса мулкий муносабатларга тажовуз қилинганлигини англатади;

5) жиноят таркиби объектив томони у ёки бу белгиларининг мавжудлиги содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига таъсир қилиши мумкин, айти чоғда ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлашда ҳам ҳисобга олинади. Масалан, ўзганинг мулкани талон-тарож қилиш усули (яширин, очик, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли зўрлик ишлатиб ёки шундай зўрлик ишлатмасдан) ушбу қилмишни ўғрилик, талончилик ёки босқинчилик деб квалификация қилишга таъсир қилади, чунки бу жиноятлар фақат жиноятни содир этиш усули билан фарқ қилади;

б) объектив томоннинг белгиларига асосланиб, энг муҳим жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган қилмишнинг тугаланган пайти аниқланади. Масалан, ўғрилик мол-мулк олиб қўйилган ва айбдорда талон-тарож қилинган мулкдан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш ёки тасарруф этиш имконияти пайдо бўлганида тугалланган; босқинчилик учун жавобгарлик белгиланган қонун нормаси тузилишига кўра ўзганинг мулкани талон-тарож қилишга суиқасд вақтидаёқ у тугалланган, деб топилади;

7) айнан жиноят таркиби объектив томонининг қонун нормаси диспозициясидаги тузилиши, бошқа қўлаб жиноят-ҳуқуқий масалаларни, масалан, жиноятда иштирокчилик, дастлабки жиноий фаолият, жиноятдан ихтиёрий қайтиш кабиларни ҳал қилинишига хизмат қилади;

8) жиноят объектив томонининг барча белгиларини аниқламасдан туриб, адолатли жазо тайинланиши мумкин эмас.

Мазкур бобда, шунингдек жиноят таркиби объектив томони зарурий ва факультатив белгиларига оид асосий тушунчалар: «жиноят таркиби», «жиноят

таркиби объектив томони», «зарурий белгилар», «факультатив белгилар» таҳлил қилиниб, уларга муаллифлик таърифи берилган.

Диссертациянинг «**Жиноят объектив томони факультатив белгилари тушунчаси ва турлари**»га бағишланган иккинчи бобида жиноят объектив томони факультатив белгилари тушунчаси ва аҳамияти, жиноят объектив томони факультатив белгиларининг турлари ва тузилиши ҳамда жиноят объектив томони факультатив белгиларининг ўзаро муносабати таҳлил қилиниб, жиноятларни квалификация қилишнинг айрим масалалари тадқиқ этилган.

Диссертант ушбу бобда ўрганилаётган жиноят-хуқуқий категориялар хусусида сўз юритиб, жиноят хуқуқи фанида жиноят таркиби томонлари (элементлари) ва белгиларининг фарқини кўрсатиб берувчи жиноят таркибининг назарий модели ишлаб чиқилганлиги, шунинг учун жиноят таркиби томонлари (элементлари) ва белгиларини бир-бири билан алмаштириш, бирининг ўрнига бошқасидан фойдаланиш мумкин эмаслиги ва ҳар бирининг тушунчасини алоҳида-алоҳида бериш зарурлигини қайд этган.

Айрим муаллифларнинг фикрлари танқидий таҳлил қилиниб, *жиноят таркибининг элементлари*: объекти, объектив томони, субъектив томони ва субъектини тавсифлаши, *белгилари* эса жиноят таркибининг юқорида санаб ўтилган элементларидан ҳар бирининг мазмуни, хусусиятларини очиб бериши, муайян жиноят таркиби унинг объектив ва субъектив томонларини ифодаловчи белгилар йиғиндисидан иборатлиги асосланган.

Тадқиқотчининг фикрича, жиноят хуқуқи нуқтаи назаридан жиноят объектив томони факультатив белгилари қуйидаги ўзига хос бир қанча аҳамиятга эга:

1) жиноят таркиби объектив томонининг факультатив белгилари ижтимоий хавfli қилмишни криминализация қилиш, шунингдек, декриминаллаштириш учун асос бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖК «Алдаш ёки ишончни суиистемол қилиш йули билан мулккий зарар етказиш» деб номланган 170-моддаси бўйича ўзганинг мулккини талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда анча миқдорда зарар етказиш муайян усул – талон-тарож қилишнинг аломатлари бўлмаган алдаш ёки ишончни суиистемол қилиш йули билан содир этилганида жавобгарлик юзага келади. Ўзганинг мулккига талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлмаган усулдан фойдаланиб, зарар етказиш жиноят қонунда таъқиқланмайди ва жавобгарликнинг бошқа турларини келтириб чиқаради.

2) айрим ҳолларда қонун чиқарувчи жиноят таркиби объектив томони факультатив белгиларидан жиноятни маъмурий хуқуқбузурлик ёки интизомий ҳатти-ҳаракатлардан фарқлашда фойдаланади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 170-моддаси «Алдаш ёки ишончни суиистемол қиш йули билан мулккий зарар етказиш» талон-тарож аломатлари бўлмаган ҳолда мулкдорга анча миқдорда зарар етказилганидагина содир қилинган қилмишга нисбатан жиноий жавобгарлик юзага келади. Агар мулккий зарар анча миқдордан кам бўлса, маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Ушбу бобда жиноят таркиби объектив томони факультатив белгилари борасида, жиноят содир этиш вақти жиноят содир этилиши мумкин бўлган, секунд, минут, соат, сутка, ой каби вақт бирликлари билан ўлчанадиган у ёки бу давомийликдаги муайян бир даврдир, ҳар қандай жиноят муайян бир вақтда содир этилади, у кундузи ёки кечаси, баъзан эса муайян бир вақтда ёки жараёнда содир этилиши мумкин, деган фикрлар билдирилган.

Масалан, ўғрилик кўпинча уй эгаларининг йўқлигида содир қилинади. Муайян соатлар билан ўлчанадиган вақт бирлиги борки, ўша вақтда айнан уй эгалари уйда бўлишмайди. Ўғриликни содир қилмоқчи бўлган шахс шу вақтни танлаб, ҳеч ким йўқлигида ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилади. Нафақат ўғрилик, балки барча жиноятлар маълум бир вақт (минут, соат, ой, йилда)да содир этилади.

Тадқиқотчи жиноят ҳуқуқидаги «жиноят содир этиш вақти» атамасини икки маънода тушуниш лозим: бир томондан, жиноят содир этилган муайян вақт оралиғини билдиради, бунда у жиноят бошланган ва тамом бўлган пайт билан чегараланади; бошқа томондан, жиноят содир қилиш вақтини қонун чиқарувчи жиноят таркиби мавжудлигини эътироф этиш (тан олиш) учун аниқланиши талаб этиладиган зарурий ҳолатларнинг бири сифатида таърифлайди, бу ҳолда жиноятни содир қилиш вақтига жиноят объектив томонининг факультатив белгиси сифатида қаралади, дейди.

Диссертацияда ҳозирга қадар қонун чиқарувчи томонидан жиноят содир этиш жойи тушунчаси тўлиқ очиб берилмаганлиги, жиноят ҳуқуқи назариясида мазкур тушунча ҳақида турли қарашлар билдирилганлиги боис ягона илмий тушунчани ишлаб чиқиш зарурати мавжудлиги асосланиб, жиноят содир этиш жойига муаллифлик таърифи берилган.

Ишда илмий адабиётлардаги қарашларни ўрганиш асосида *жиноят содир этиш жойи* Ўзбекистон Республикаси ЖК Маҳсул қисми тегишли моддаси диспозициясида тўғридан тўғри кўрсатилган ёки жиноят содир этилган аниқ ҳудуд(қуруқлик, сув ёки ҳаво)га тегишли бўлган жиноятнинг, макон(жой)га оид хусусиятини ўзида ифодалайди, жойнинг жиноят-ҳуқуқий мазмуни ушбу атаманинг умумий қабул қилинган таърифига тўлиқ мос келади, яъни, бу нимадир жойлашган, содир бўладиган (ёки бўлган, содир этилган) бўшлиқ(макон), жойдир, деган фикр исботланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг тўққизинчи банди, тўртинчи хат бошисида ЖК 164-моддаси 3-қисми «в» банди, 166-моддаси 3-қисми «в» банди, 169-моддаси 2-қисми «г» бандида назарда тутилган уй-жой ва омборхона тушунчалари очиб берилган бўлсада, «бошқа бино», «бошқа хона» деганда нима тушунилиши кераклиги ҳақида тушунчалар берилмаганлиги сабабли, муаллиф томонидан мазкур Пленум қарорининг 9-бандига «Бошқа жой деганда, кишиларнинг вақтинча бўлиши ёки ишлаб чиқариш ёхуд бошқа хизмат мақсадларида фойдаланишга, моддий бойликларни жойлаштиришга



мўлжалланган мулкчилик шаклидан қатъи назар, бино ва иншоотлар назарда тутилади» деган тушунчани киритиш таклиф қилинган.

Диссертацияда жиноят содир этиш усуллари ва воситалари масаласида, муаллиф томонидан ўрганилган жиноят ишларининг таҳлили асосида қуйидагилар аниқланган: ўта шафқатсизлик билан қасддан одам ўлдиришнинг 19,6% да совуқ қурол ишлатилган; 2,9% да ўқотар қуроллар; 40% да – калтаклаш; 20,2% да – бўғиш; 2,8% – чўктириш; 5,1% да – олов билан қийнаш; 4,9% – баландликдан итариб юбориш; 2,3% да – захар ёки ис газидан; 2,2% – транспорт тагига итариб юборишдан фойдаланилган; ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларда: алдаш (15,5%), ишончни суиистеъмол қилиш (12,5%), ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш (13,5%), киссавурлик (14,5%), ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан (7,5%), ўзганинг мулкани очикдан-очик талон-торож қилиш (10,5%), зўрлик ишлатиш (7,7%), зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш (6,7%) усуллар ва компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиш (11,6%) каби воситалардан фойдаланилган.

Тадқиқот ишида муаллиф ЖК айрим моддаларида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ўзгаларнинг ҳаёти учун хавfli бўлган усулда жиноят содир этиш тўғридан-тўғри назарда тутилган, бироқ, улар турли иборалар орқали ифодалангани сабабли, қилмишни квалификация қилишда қийинчиликларни келтириб чиқараётганлигини, масалан, ЖК 8-бўлими «Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси»да «кўпчилик учун хавfli усул», ЖК 97-м. 2-қ. «д» б., ЖК 156-м. 3-қ. «а» б.да «бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавfli бўлган усулда», ЖК 173-м. 2-қ. «б» б. «атрофдагилар учун хавfli усулда» каби иборалар қўлланилганлигини кўрсатган. Қонунни қўллаш амалиётини бирхиллаштириш ва суд-тергов органларига қулайлик яратиш мақсадида, ЖК 8-бўлим атамаларнинг ҳуқуқий маъносида берилган «кўпчилик учун хавfli усул» иборасини барча ҳолатларга нисбатан бир хилда ишлатиш мақсадида ЖК тегишли моддаларига ўзгартишлар киритиш лозимлигини асослаган.

Диссертацияда тадқиқ этилаётган жиноят-ҳуқуқий категориялар ичида *жиноят содир этиш ҳолати (вазияти)* айрим муаллифлар таклиф қилганидек, жиноятчи тўғридан-тўғри ҳаракат қилган табиий шарт-шароитлар йиғиндиси эмаслиги ушбу тушунчанинг моҳияти кенгроқ эканлиги, тарихий, ижтимоий, сиёсий ҳолат (вазият, шарт-шароит)лар, жиноят содир этиш вақтида жамият аъзоларининг турмуш тарзи (шароити) ва фаолиятларини ҳам қамраб олиши исботланган.

Мазкур бобда қуролдан ёки қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, портлаш ёки уларга ўхшатиб ясалган мосламалардан фойдаланиш, шунингдек жиноятни ҳокимият вакилининг хизмат кийими ёки ҳужжатидан фойдаланиб содир этишнинг ижтимоий хавfli юқорилигини, жиноятчи шахснинг жиноий хулқ-атвори барқарор ёки ашаддий даражага чиққанидан далолат бериши нуқтаи назаридан, ЖК Умумий қисми 56-моддасига жазони оғирлаштирувчи қуйидаги бандларни киритиш таклиф қилинган:

«о) қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб;

п) қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, портлаш ёки уларга ўхшатиб ясалган мосламалардан фойдаланган ҳолда;

р) жиноят ҳокимият вакилининг хизмат кийими ёки ҳужжатидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса».

Диссертациянинг «**Жиноят таркиби объектив томони факультатив белгилари бўйича қилмишни квалификация қилишга оид амалиётни такомиллаштириш**»га бағишланган учинчи бобида жиноят объектив томони факультатив белгиларининг қилмишни квалификация қилишдаги жиноят-ҳуқуқий аҳамияти, жиноят содир қилиш жойи, вақти, усули, ҳолати, қуроли ва воситасининг қилмишни квалификация қилишнинг зарурий белгиси; юқоридаги факультатив белгиларнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификациявий) белги сифатидаги аҳамиятига эътибор берилган.

Қилмишни квалификация қилишда жиноят таркиби объектив томони факультатив белгиларининг аҳамияти ўрганилиб, унинг қуйидаги «анъанавий учлиги»:

1) қонун чиқарувчи томонидан жиноят объектив томони факультатив белгилари ЖК Махсус қисми муайян моддаси диспозициясида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилганлиги (ЖК 98, 99, 114, 164, 166, 167, 168, 169, 170 ва бошқа моддалари);

2) жиноят объектив томони факультатив белгиларининг ЖК Махсус қисми муайян моддасида жиноят таркиби (объектив томон)нинг жавобгарликнинг оғирлаштирувчи (квалификациявий) зарурий белги сифатида назарда тутилганлиги (ЖК 97-м. 2-қ. «д», «е», «з» б., 104-м. 2-қ. «г» б., 105-м. 2-қ. «д» б., 118-м. 2-қ. «г» б., 119-м. 2-қ. «г» б., 127-м. 3-қ. «в» б., 164-м. 2-қ. «а» б., 3-қ. «в» б., 166-м. 2-қ. «а» б., 3-қ. «б» б., 169-м. 2-қ. «г» б. ва ҳ.к бошқа моддалари);

3) жиноят қонунда жиноят таркиби объектив томонининг факультатив белгилари жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолат сифатида (Ўзбекистон Республикаси ЖК 55-56-моддаларида) назарда тутилганлиги асосланган.

Ушбу бобда жиноят объектив томони факультатив белгиларининг ўзига хос «учлик» деб ном олган жиноят-ҳуқуқий аҳамиятининг дастлабки иккитаси қилмишнинг квалификациясига ўз таъсирини ўтказувчи омиллар эканлиги асосланган.

Жумладан, биринчиси, ЖК муайян жиноят-ҳуқуқий нормасида тўғридан-тўғри кўрсатилган жиноят таркиби (объектив томони) ва қилмишни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида намоён бўладиган жиноят объектив томони факультатив белгиларидир. Иккинчиси ЖК Махсус қисми муайян моддасининг жавобгарликни оғирлаштирувчи қисмларида кўрсатилган жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификациявий) белгиси сифатида намоён бўладиган жиноят объектив томони факультатив белгилари ҳисобланади.

Мазкур бобда қонунчилик нормалари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибалар таҳлил қилинган ҳолда муаллиф томонидан

жиноят таркиби объектив томони факультатив белгилари бўйича қилмишни квалификация қилишга оид амалиётни такомиллаштириш юзасидан ЖК 99-м, 118-м. 1 ва 2-қ., 119-м. 1 ва 2-қ., 127-м. 3-қ.ларига қуйидаги таклифлар берилган:

1. ЖК 99-м. «Онанинг ўз чақалоғини туғиш вақтида ёки туғиши ҳамон *ақли расоликни истисно этмайдиган руҳий ҳолати бузилган ҳолатда ёки руҳий жароҳатланиш (шикастланиш) шароитда қасддан ўлдириши*»;

2. ЖК 118-м. 1 ва 2-қ.лари «Номусга тегиш, яъни зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб ёхуд жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш», «Номусга тегиш: д) *ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиб баданга оғир шикаст етказган ҳолда; е) ўта шафқатсизлик билан содир этилган бўлса*».

Муаллиф ЖК 127-м. 3-қ. диспозициясида вояга етмаганни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш усуллари кўрсатилмаганлиги амалиётда айрим муаммоларни келтириб чиқараётганлигини таъкидлаб, ушбу ҳолатни бартараф этиш учун ушбу модда 3-қисмини «Вояга етмаган шахсни *ваъда бериш, алдаш, қўрқитиш ёки бошқа усуллар* билан жиноят қилишга жалб этиш» деб янги тахрирда берилиши мақсадга мувофиқлигини кўрсатган.

Ушбу бобда ўзганинг мулкини ўғрилик усули билан талон-тарож қилишнинг транспорт воситасига ғайриқонуний равишда кириш йўли билан содир этишнинг кўпаяётганлигини инобатга олиб, бу вазиятни оғирлаштирувчи ҳолат деб топиш ва ЖК 169-м. 2-қ. «в» бандига «уй-жойга, омборхона, бошқа хона ёки *транспорт воситасига* ғайриқонуний равишда кирган ҳолда» деган ўзгаришлар киритиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган.

Муаллиф жиноят объектив томони факультатив белгиларининг қилмишни квалификация қилишдаги ўзига хос иккита асосий жиноят-хукуқий аҳамиятини кўрсатган:

*биринчидан*, жиноят объектив томони факультатив белгилари ЖК Махсус қисми муайян моддаси диспозициясида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилганлиги қилмишни квалификация қилишнинг зарурий белгиси деб эътироф этилган. (масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 98-м, 99-м, 103-м, 106-м, 110-м, 112-м, 114-м, 118-м, 119-м, 138-м, 142-м, 146-м, 147-м, 164-м, 166-м, 167-м, 168-м, 169-м, 170-м ва ҳ.к.лар);

*иккинчидан*, жиноят объектив томони факультатив белгилари ЖК Махсус қисми муайян моддасида назарда тутилган қилмишнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификациявий) зарурий белгиси сифатида назарда тутилган. (ЖК 97-м. 2-қ. «д», «е», «з» б.лари, 104-м. 2-қ. «г» б., 105-м. 2-қ. «д» б., 118-м. 2-қ. «г» б., 119-м. 2-қ. «г» б., 127-м. 3-қ. «в» б., 129-м. 2-қ., 135-м. 2-қ. «а» б., 138-м. 2-қ. «а» ва «б» б., 141-м. 2-қ., 164-м. 2-қ. «а» б., 3-қ. «в» б., 166-м. 2-қ. «а» б., 3-қ. «б» б., 169-м. 2 қ. «г» б. ва ҳ.к.лар).

Тадиққот ишида ЖК тегишли моддаларида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жиноят содир этиш жойи тўғридан-тўғри назарда тутилганлиги, масалан, ЖК 164-м. 3-қ. «в» б. «уй-жойга, омборхона ёки *бошқа биноларга*

